


ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

А Н М О

- *Қурбонлик таърифи
- *Дуонинг ижобат бўлиш шартлари
- *Ҳайит кундаги бидъатлар
- *Ҳақиқий Моликнинг назари қандай бўларкин?!
- *Аллоҳнинг имтиҳони

26-сон
1439–2018

The background of the entire page is a photograph of an ornate wooden surface, likely a book cover or a decorative panel. It features intricate Islamic calligraphy in gold and black ink. The text is arranged in horizontal bands and circular medallions. The wood is dark brown with a polished finish. The overall aesthetic is traditional and elegant.

**"Омина"
электрон журналининг ҳайъат
аъзолари:**

Одинахон Муҳаммад Юсуф

Барно Саидрахмон

Шаҳноза Тўрахўжаева

Дилафруз Юсупова

Ўзгал Дадамўхамедова

Азиза Жалолиддинова

Назокат Касимова

Муяссар Қаямова

Гулшода Мўминова

Муҳаррир:

Зухраҳон Ҳамдамова

Дизайнер:

Рухсора Азизова

Электрон манзил: muslimaat@islom.uz

Қурбон ҳайитингиз муборак!



Бисмиллааҳир роҳмаанир роҳийм!

Жонлиқ сўйиб, бандалари учун Ўзига қурбат ҳосил қилиш имкониятини берган Роббимиз Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

Динимизнинг аркону аҳкомларини ўргатиб, уларга амал қилишда шахсий намуна кўрсатиб берган севимли Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудуну салаватларимиз бўлсин!

Муҳтарама опа-сингиллар, азиз диндошлар, аҳли Ислом, аҳли иймон юртдошлар!

Барчангизни Қурбон ҳайити – Ийдул Азҳо байрами билан чин қалбдан, самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Аллоҳ таоло ушбу муборак кунларда қилаётган ибодатларимиз, дуоларимиз, қурбонликларимизни ҳусни қабул айлаб, барчамизни мағфират ва раҳматига чулғасин!

Бу байрам бобокалонимиз Иброҳим алайҳиссалом севимли ўғиллари Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига Аллоҳ таоло ато қилган қўчқорни сўйганлари рамзи сифатида Аллоҳга қурбонлик учун аталган ҳалол, пок ҳайвонларни сўйиб, гўштини муҳтожларга, ҳақдорларга, қавму қариндошлар, қўни-қўшниларга эҳсон қилиш, уларнинг қалбига байрам шукўҳини бахш этиш маъноларини ифода этади. Бу байрам яхшилик, хайр-барака, эҳсон байрами экани ана шу нуқтада намоён бўлади. Аллоҳ таоло барчамизга бу улўғ айёмни чинакам исломий байрам сифатида нишонлашни насиб айласин!

Бутун дунё мўсулмонларини, хўсусан, мўсулималарини «muslimaat.uz» сайти номидан, «Омина» журнали таҳририяти номидан Ийди Қурбон байрами билан чин дилдан қўтлаб, комил иймон, саҳиҳ эътиқод, солиҳ амаллар, фойдали илм ва гўзал оқибатлар тилаймиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни икки дунё бахт-саодатига эриштирсин!

Ҳажда аёл кишига маҳрам шартлиги



وَعَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ
يَخْطُبُ يَقُولُ: لَا يَخْلُونَ رَجُلٌ
بِامْرَأَةٍ إِلَّا وَمَعَهَا ذُو مَحْرَمٍ،
وَلَا تُسَافِرُ الْمَرْأَةُ إِلَّا مَعَ ذِي
مَحْرَمٍ، فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا
رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ امْرَأَتِي خَرَجَتْ
حَاجَةً، وَإِنِّي اكْتُنِبْتُ فِي غَزْوَةٍ
كَذَا وَكَذَا، قَالَ: انْطَلِقِي، فَحُجِّي مَعَ
امْرَأَتِكَ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам хутба қилиб:
«Зинҳор эр киши аёл киши билан холи қолмасин. Илло, у аёл
билан маҳрами бўлса, майли. Аёл киши фақатгина маҳрами
билангина сафар қилсин», дедилар.

Шунда бир киши туриб:
«Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг хотиним ҳажга чиқди. Мен
эсам фалон ғазотга ёзилдим», деди.
«Бор! Хотининг билан бирга ҳаж қил», дедилар».
Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аёл киши ҳаж қилиши учун у
билан маҳрами бирга бўлиши шарт эканлиги келиб чиқади.
Шунингдек, аёл киши бегона эркак билан холи қолиши мумкин
эмас. Чунки бу ҳолат фитнага сабаб бўлади. Муслима аёл

сафарга чиққанида ҳам, албатта, ўз эри ёки бирорта маҳрами билан бирга чиқмоғи лозим.

Чунки сафарда турли ҳолатлар юзага келиши, жумладан, аёл киши учун ноқулай вазиятлар, айниқса, муслима аёлнинг шарафига тўғри келмайдиган ишлар содир бўлиб қолиши мумкин. Ана ўшандай пайтларда муслима аёлга эри ёки маҳрами хизмат қилади ва унинг шарафини, ҳурматини жойига қўяди.

Набийимиз алайҳиссалом бир кишига ғазотдан қолиб, хотинини ҳажга кузатиб боришини амр қилмоқдалар. Бу ҳам ҳаж қилувчи аёлга маҳрам ўта зарур ва шартлигини кўрсатади.

Ҳайзли ва нифослилар тавофдан бошқа барча ибодатларни қилаверади

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: حَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ لَا نَذْكُرُ إِلَّا الْحَجَّ، حَتَّى جِئْنَا سَرِفَ فَطَمِثْتُ فَدَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَأَنَا أَبْكِي، فَقَالَ: مَا يُبْكِيكِ؟ فَقُلْتُ: وَاللَّهِ لَوَدِدْتُ أَنِّي لَمْ أَكُنْ حَرَجْتُ الْعَامَ، قَالَ: لَعَلَّكَ نَفِسْتِ؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: هَذَا شَيْءٌ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَى بَنَاتِ آدَمَ، أَفْعَلِي مَا يَفْعَلُ الْحَاجُّ غَيْرَ إِلَّا تَطُوفِي بِالْبَيْتِ حَتَّى تَطْهُرِي، قَالَتْ: فَلَمَّا قَدِمْنَا مَكَّةَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِأَصْحَابِهِ: اجْعَلُوا عُمْرَةً، فَأَحَلَّ النَّاسُ الْإِمْنَ كَانَ مَعَهُ الْهُدْيُ، قَالَتْ: فَكَانَ الْهُدْيُ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَدَوِي الْيَسَارَةَ، ثُمَّ أَهْلُوا حِينَ رَأَوْا، قَالَتْ: فَلَمَّا كَانَ يَوْمَ النَّحْرِ طَهَّرْتُ، فَأَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَأَقْضْتُ، قَالَتْ: فَأَتَيْنَا بِالْحَمِّ بَقْرٍ، فَقُلْتُ: مَا هَذَا؟ قَالُوا: أَهْدَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ نِسَائِهِ الْبَقْرَ، فَلَمَّا كَانَتْ لَيْلَةُ الْخِصْبَةِ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، يَرْجِعُ النَّاسُ بِحَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ وَأَرْجِعُ بِحَجَّةٍ؟! قَالَتْ: فَأَمَرَ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ أَبِي بَكْرٍ فَأَرَدَفَنِي عَلَى جَمَلِهِ حَتَّى جِئْنَا إِلَى التَّنْعِيمِ، فَأَهْلَلْتُ مِنْهَا بِعُمْرَةٍ جَزَاءً بِعُمْرَةِ النَّاسِ الَّتِي اعْتَمَرُواهَا. (وَالتَّنْعِيمُ أَقْرَبُ بُعْعَةٍ مِنْ أَرْضِ الْحِلِّ إِلَى الْحَرَمِ). رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга чиқдик. Ҳаждан бошқа нарсани зикр қилмас эдик. Сарифга келганимизда ҳайз кўриб қолдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга кирганларида мен

йиғлаётган эдим. У зот:

«Сени нима йиғлатмоқда?» дедилар.
«Аллоҳга қасамки, бу йил чиқмасам ҳам бўлар экан», дедим.

«Ҳайз кўрибсан, шекилли?» дедилар.
«Ҳа», дедим.

«Бу нарса Аллоҳ одам қизларига битиб қўйган нарса. Ҳожи нима қилса, шуни қилавер. Фақатгина пок бўлгунингча байтни тавоф қилма», дедилар.

Маккага келганимизда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига «Бунимиз умра қилинлар», дедилар. Одамлар эҳромдан чиқдилар. Аммо ўзи билан қурбонлик олиб келганлар чиқмадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар ва ўзига тўқлар билан бирга қурбонликлар бор эди. Сўнгра (тарвия куни) кечаси жўнаганларида яна эҳром боғладилар. Наҳр (сўйиш) куни бўлганда пок бўлдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга амр қилдилар ва тавофи ифозани қилдим. Бизга мол гўшти келтирилди. Шунда мен:

«Бу нима?» дедим.
«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари номидан мол қурбонлик қилдилар», дейишди.

Ҳасба кечаси келгач:
«Эй Аллоҳнинг Расули! Одамлар ҳам ҳаж, ҳам умра билан қайтмоқдалар. Мен ҳам билан қайтаманми?» дедим.

У зот Абдураҳмон ибн Абу Бакрга амр қилдилар. У мени туясига мингаштирди ва Танъиймга етиб бордик. Ўша ердан умрани ният қилиб, эҳром боғладим. Бу одамлар қилган умранинг эвази ўлароқ эди».

(Танъийм ҳалол ернинг ҳарамга энг яқин жойидир.)

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳасба – Минодан кейин, Макка қабристонидан аввал келадиган текис ерлик жойидир. Ҳасба кечаси – ҳожилар Ҳасба деган жойда тунайдиган кечанинг номидир.

Бу ҳадиси шарифдан ҳаж ва умрани ният қилган аёл киши ҳайз кўриб қолса, токи поклангунича Байтуллоҳни тавоф қилмай турса ҳам, бошқа амалларни адо этавериши маълум бўлади. Оиша онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига биноан шундай қилганлар ва бу иш шаръий ҳукм тусини олган.

Назокат Касимова тайёрлади.



Ҳайит кундаги БИДЪАТЛАР

Бугун мусулмонларнинг икки улуғ байрамида айрим бидъатларни кўриб, «Шу нарса динимизда бормикан?» деб ўйланиб қоласан киши. Ана шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида бир неча саволлар билан Одинахон Муҳаммад Юсуф қизларига мурожаат қилдик.

– Бизнинг юртларда маййит чиққан хонадонда ҳайит кунлари дастурхон ёзиб, одам кутилади, меҳмондорчилик қилинади. Бу нарса динимизда борми?

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Икки ҳайит, Фитр ва Азҳо ийдларини биз мусулмон бандаларига байрам этиб тайин қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Ҳар ишда, хусусан, ийд аҳкомларини умматларига ўргатиб кетган суюкли Пайғамбаримизга салоту саломлар бўлсин!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Ҳозирги кунда жуда кўп тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган масалалардан бири ҳайит кунлари маййит аҳли қандай амалларни қилиши ёки қилмаслиги ҳақида бўлиб қолди. Халқимизда бир одат бор: икки ҳайит орасида бирор яқини вафот этган кишилар байрам кунларини ҳам аза тутиб ўтказишади. Бу ишдан қайтаришда муболағага йўл қўйилгани сабаб энди кишилар орасида ҳайит айёми кунларида маййит чиққан уйга мутлақо бориб бўлмас экан, деган тушунча пайдо бўлди. Келинг, Аллоҳ муваффақ қилганича бунинг тафсилотини баён қилайлик.

Маълумки, шариатимизда аза фақат уч кундир. Уч кундан ортиқ аза тутиш жоиз эмас. Агар шу уч кун ҳайит кунларига тўғри келиб қолса, байрам бўлишига қарамай, аза очиш жоиз. Чунки бу маййит ва маййит аҳлининг ҳаққидир. Аммо уч кун ўтиб кетиб бўлган бўлса, ҳайит кунлари келганида қайтадан аза очиш жоиз эмас. Чунки аза вақти тугаб бўлган. Ҳайит кунларини эса Аллоҳ таоло биз бандаларига байрам ва хурсандчилик қилишни буюрган. Бу буйруққа қарши чиқиб, мотам тутиш, кўчаларга худди таъзия кунларидагидек ўриндиқлар қўйиб, эркаларнинг чопон кийиб, бел боғлаб

туриши, аёлларнинг мотам либосини кийиб, ўликни эслаб йиғи-сиғи қилишлари мутлақо жоиз эмас.

Аммо бу ҳайит кунлари яқин орада мусибат бўлган хонадонга асло бориб бўлмайди, дегани эмас. Аза муддати ўтган бўлса, яқин орада бошига мусибат тушган хонадон аҳли ҳайит учун ҳозирлик кўраверадилар, дастурхон солаверадилар. Лекин бунда аза очиш ёки маййитнинг ҳайити ният қилинмайди. Эл қатори мусулмонлар байрамини ният қилиб дастурхон соладилар. Келувчилар ҳам оддий ҳолатдаги зиёратни ният қилиб келаверадилар. Ҳаммининг нияти байрам бўлади ва хурсандчилик изҳор қилинади. Шу орада маййит аҳлидан ҳолаҳвол сўраш, бошқа ўтганлар қаторида яқинда вафот этган кишиларини эслаб, ҳаққига дуо қилиш, Қуръон тиловат қилиш жоиздир. Валлоҳу аълам.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида улар икки кунда ўйнар эдилар.

«Бу иккиси қандай кун?» деб сўрадилар.

«Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди», дейишди.

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхши – Қурбонлик кунини ва Фитр кунини берди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Ҳумайд ибн Нофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менга Зайнаб бинти Абу Салама ушбу ҳадиснинг хабарини берди. У айтди:

«Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Умму Ҳабибанинг олдиларига кирдим. Ўша пайт унинг отаси Абу Суфён ва-

фот этган кунлар эди. У сариқ рангли бир аралаш ёки бошқа хушбўй нарса келтиришларини сўради. Ундан бир қизчага суртиб кўрди-да, кейин ўзининг икки юзига суртиб туриб:

«Аллоҳга қасамки, ҳозир хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан туриб:

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл бирор маййит учун уч кундан ортиқ аза тутиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ой-у ўн кун тутуди», деганларини эшитган эдим», деди».

– Қурбон ҳайити ва Рамазон ҳайитидаги эр-талабки нонуштага оид ажойиб суннат амал бор. Ана шу ҳақда халқимизга кўрсатма берсангиз. Чунки кўпчилик бу тўғрида билмаслиги ҳаммамизга аён.

– Бу ҳақда ҳам баъзи тушунмовчиликлар бор бўлиб, баъзилар Рамазон ҳайити кунлари киши рўзадор бўлиши, фалон пайтгача оғиз очиб бўлмаслигини айтишса, баъзилар кишиларга Арафа кунини асрдан сўнг оғиз очиб юборилади, чунки асрдан кейин ҳайит кунини кирган бўлади, деган нотўғри тушунчаларни сингдириб, гуноҳга ботишади. Шуниси ачинарлики, бундай гаплар кўпроқ аёлларимиз орасида айланади.

Аслида бунинг ҳақиқати қуйидагичадир: Рамазон ҳайити кунини бомдод намозидан кейин ҳайит намозига боришдан аввал нонушта қилиш, яъни хурмо, турли ширинлик, пишириқ каби нарсаларни тановул қилиб бориш суннатдир. Бунинг ҳикмати рўзадан чиққанликка далолат. Аммо Қурбон ҳайити кунини ҳеч нарса емай туриб, ҳайит намозига бориш ва аввалги ейдиган нарсаси ўз қурбонлик гўшти бўлиши суннатдир. Бунда тезроқ қурбонлик қилишга тарғибот бор. Бироқ ҳозирги кунларда қурбонлик ишларини тезлаштириб, уни пишириш бироз мушкул бўлиб қолди. Шунга кўра намоздан қайтган одамга нонушта қилиш тавсия этилади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр кунини бир неча хурмо емасдан туриб чиқмас эдилар. Тоқ ер эдилар».

Имом Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Фитр кунини таом емасдан олдин чиқмас эдилар. Қурбонлик кунини намозни ўқиб бўлмагунча емас эдилар», дейилган.

– Янги келин тушган хонадонда байрам муносабати билан дастурхон ёзиб, яқин кишилар, қўшнилари, қариндош-уруғларни кутиш жоизми? Ушбу дастурхондаги ноз-неъматлар келиннинг қизлик уйдан келтирилган бўлса-чи?

– Янги келин келинлик гаштини суриш мақсадида яسانيши, ҳайит муносабати билан меҳмонларни қутлаши, қаршилаши жоиз. Аммо бунинг учун дабдабали ҳозирлик кўриш шарт эмас. Бу исроф бўлиб, шариатда бундан қайтарилган. Айниқса, зиёфат дастурхонини келин томонга юклаш мутлақо нотўғри иш бўлиб, бундай қилиш динимизда ножоиздир. Уч кунлик бундай тасурруф сабабли бир ой қилган ишларимизнинг савобини йўқ қилиб юборимиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аллоҳ таоло Рамазон ойида бандаларига оч қолишни, нафсларни жиловлашни, тежамкор бўлишни, хайр-эхсон қилишни буюрган бўлса, бу муддатдан чиқишимиз билан дарров акс ҳолатни бажаришга киришимиз бир жиҳатдан ўзимизга буюрилган ишдан норозилик, кўполроқ қилиб айтганимизда, «Хайрият-ей, тўкин-сочинликка ҳам етадиган кун бор экан-ку», дегандек ҳолат бўлиб қолади. Ислом кишиларни ҳар қандай ҳолатда ҳам исрофдан, ортиқча такаллуфлардан қайтарган. Айниқса ўзлари ўйлаб чиқарган бундай номаъқул одатлар амалга ошмай ёки уларда озгина камчилик бўлиб қолса ва шу сабаб гап-сўзни кўпайтириб, жанжал қилиш янада хунукроқ ҳолатдир. Валлоҳу аълам.

– Қурбон ҳайити арафаси кунини рўзани аср пайтида очса бўлади, деб эшитдим, шу ростми?

– Рўза қайси турда бўлмасин, Рамазон рўзасими, қазо рўзасими, каффорот рўзасими, назр рўзасими, нафл рўзасими – барчасининг кайфияти бир хилдир. Яъни ҳар қандай рўза тонгдан шомгача еб-ичиш ва жимоъдан тийилишдан иборат. Бирортаси вақт жиҳатидан фарқ қилмайди. Фақатгина ниятда фарқ бор. Шунга кўра бу асоссиз ва нотўғри гапдир. Ҳеч қайси рўза асрда очилмайди. Валлоҳу аълам.

– Қурбон ҳайитида яна қандай амаллардан воз кечишимиз керак?

– Икки ҳайит бизга Аллоҳ таоло тайин қилган байрамлар бўлиб, уларни Аллоҳ ирода қилганидек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мувофиқ ҳолда ўтказиш лозим. Шундай экан, турли бидъат амалларни ўйлаб топиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳамда мўмин-мусулмонларнинг бу кунларда бир-бирларидан аразлашиб юришлари жоиз эмас.

Меҳрибон Зотдан биз бандаларини бу улўф кунларни рисоладагидек ўтказишга муваффақ қилишини сўраб қоламиз. Ҳар биримизга мусулмонлар учун жорий этилган бу гўзал байрамларнинг моҳиятини англаб етиш, шундай улўф неъматни қадрлаш, шукронасини адо этиш насиб қилсин!

Гулшода Мўминова суҳбатлашди.



МУҲИМ САБОҚ

Опамнинг қайноталари – қуда бува-миз 2015 йили аёллари билан бирга умра ибодатини адо этиб келишди. Одатга кўра биз оиламиз билан уларни зиёрат қилгани бордик. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Ҳожи бува умра таассуротларини шу қадар завқ билан ҳикоя қилиб берар эдиларки, ҳар бир воқеа-ҳодиса худди унга ўзим гувоҳ бўлгандек кўз олдимда намоён бўлар, Аллоҳ ана шу муборак заминга менинг ҳам қадамларимни етказиши, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаларини зиёрат қилиш менга ҳам насиб этиши ҳақидаги хоҳиш-истагим, орзуим янада кучайиб борарди.

Қуда буваамизнинг ана шу ҳикояларидан бирини сиз азизлар билан баҳам кўргим келди.

«Умрага шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг куёвлари Абдулбосит қори билан бир гуруҳда борган эканмиз. Мен илмли, одобли, камтар, камсуқум бу йигит билан бир неча марта суҳбатда бўлдим, баъзи саволларимга чиройли жавоблар олдим. Кейин билсам, у киши зиёратга оналари билан

бирга борган эканлар. Уларнинг оиласини яқиндан билган биродарларимдан Абдулбоситнинг оналари ниҳоятда илмли экани, бизнинг диёрларда фикҳ илми бобида бу аёлга тенглашадигани йўқлиги, ҳатто бошқа давлатлардан ҳам у кишига масала сўраб мурожаат қилишлари ҳақида эшитиб, жуда ҳавасим келди. Қалбимнинг туб-тубида у кишини бир марта бўлса ҳам кўриш нияти пайдо бўлди. Орадан бир неча кун ўтиб, бу олима аёлни кўриш, бир оғиз суҳбатлашиш ҳам насиб этди.

Биз билан бирга саксон ёшдан ўтган бир ҳожи она ҳам умра зиёратига борган эди. Маккаи Мукаррамага боргандан сўнг ўша онахоннинг мазаси бўлмай қолди. Мен ходимлар билан гаплашиб, ибодатларни адо этиши учун у кишига аравача олиб бердим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, қуда холангиз билан ҳожи онадан хабар олиш учун бордик. У киши тушкун ҳолатда ўтирар, кайфияти йўқ эди.

Маълумки, бошқа ибодатлар каби умра ибодатининг ҳам ҳар бир рукни тартиб бўйича, ўз ўрнида, буюрилган жойда амалга оширилиши шарт. Ҳожи она ўша аравачада Каъбани тавоф қилибдилар, замзам сувидан ичибдилар, икки ракъат намоз ўқибдилар, саъй қилибдилар. Бироқ хоналарига келганларидан кейин соч қисқартириш амалини бажармаганлари ёдларига тушибди. Шунинг учун онахон куйиниб, энди нима қилишни, бу ҳолатнинг ечимини кимдан сўрашни билмай ўтирган эканлар. Мен хатога йўл қўйилганини, бунинг қандайдир каффорати борлигини билардим. Лекин онахонга ачинганимдан унинг кўнглини кўтара бошладим: «Сиз шу ёшда умра қилиш учун келганингизнинг ўзи катта гап. Яна касал ҳолингизда рукнларни бажардингиз. Бу хатоингиз узрли. Худо хоҳласа, умрангиз қабул бўлди, онахон...»

Мен шу гапларни айтдим-у, тилимни тишладим. «Фатво беришга менинг нима ҳаққим бор? Ахир бу ерда мендан бир неча баробар илмли кишилар бор-ку», дедим-да, Абдулбосит қорига бориб, бўлган воқеани айтиб бердим. Абдулбосит менинг гапларимни диққат билан эшитди-да, сўнг: «Бу нарсани онамдан сўрашимиз керак экан. Яна бирор нарсада хатога йўл қўйиб қўймайлик», деди.

Абдулбосит бу гапи билан менинг бошимга бир ургандек бўлди. Катта бир

масжиднинг имоми, Шайх ҳазратларидек олимнинг куёви, Фотима отиндек олиманинг ўғли бўла туриб, ўзи бирорта сўз айтмади. Аслида у киши бу масаланинг ечимини билган, билмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Лекин у менга шариат илми шу қадар нозик, жиддий нарса эканини, бу борада дуч келган одам ўзича бирор фикр билдириши, фатво бериши жоиз эмаслигини билдириб қўйиш учун шундай қилган эди. Мен учун бу воқеа катта сабоқ бўлди. Ўзим учун жиддий бир хулоса чиқариб олдим: бундан кейин аниқ билмаган нарсам ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайман. Бу ишни аҳли илмларга, олимларга қўйиб бераман!

«Абдулбосит қорининг оналари – олима аёлни кўриш ҳам насиб этди, деган эдингиз, буни айтмадингиз-ку?!» деяётгандирсиз? Айнан ҳамсафаримиз – мазкура ҳожи она сабабли у киши билан учрашдим. Мен ҳожи она йўл қўйган хатога ечим топиш учун Абдулбосит қорининг тавсияси билан у кишини Фотима отининг олдига олиб бордим. Бўлган воқеани айтиб бериб, ўзим чиқиб кетдим. У киши масаланинг ечимини жуда чиройли қилиб тушунтирибдилар, каффорат адо этиш кераклигини айтибдилар...»

Қуда буваимизнинг умра сафари ҳақидаги ушбу хотираларидан мен ҳам бир умрга татигулик муҳим сабоқ олдим. Ёшгина қори йигитнинг аввало илмий омонатга ва одобга риоя қилгани, волидаи муҳтарамасини устоз билиб, у кишига эҳтиром кўрсатгани мен учун ҳам унутилмас, гўзал эслатма бўлди. Шайх ҳазратларининг «Бугунги кундаги кўпгина муаммоларимизнинг сабаби уламоларга беҳурматлик, беписандликдан, оддий одобни билмасликдандир», деган сўзлари нақадар ҳақ эканини ана шунда янада ҳис қилдим. У кишининг куёв фарзандлари бу ўғитга қанчалик риоя қилганлари ҳақидаги ҳикояни эшитиб эса, ўқиганига, билганига, эшитганига амал қилувчи кишилар ҳеч қачон кам бўлмаслигига, Аллоҳ таоло бундай кишиларнинг мартабасини улўф қилиб қўйишига амин бўлиб, бу оиллага ҳурмат-эҳтиромим янада ортиб кетди.

Аллоҳ таоло барчамизга инсоф-тавфиқ ато этиб, Ўзининг ҳақ йўлидан адаштирма-син!

**«Ҳилол-нашр» нашриёти муҳаррири
Барно Саидрахмон**



ҚУРБОНЛИК ТАЪРИФИ

Қурбонлик араб тилида “узҳия” деб номланиб, луғатда ҳайит кунда сўйиладиган ҳайвоннинг исмидир. Фуқаҳолар истилоҳида эса махсус ҳайвонни махсус вақтда, яъни қурбонлик кунларида сўйишдир.

ҚУРБОНЛИКНИНГ РУКНЛАРИ

Қурбонликнинг рукни махсус сифатдаги махсус жониворни сўйишдир.

Қурбонлик қачон вожиб бўлган?

Қурбонлик қилиш ҳижрий иккинчи санада шариатга киритилган. Бу иш ҳанафий мазҳабида вожиб амал ҳисобланади.

ҚУРБОНЛИК КИМЛАРГА ВОЖИБ?

Қурбонлик қуйидаги 4 шарт топилган кишига вожиб бўлади:

1. Мусулмон бўлиши. Чунки қурбонлик бандани Аллоҳ таолога яқин қилувчи ибодат бўлиб, кофир унга аҳл эмас (“Бадоеъ ус-саноеъ”);

2. Озод бўлиши. Чунки қулнинг мулки бўлмайти (“Ал-баҳрур роиқ”);

3. Нисоб эгаси бўлиши. Нисоб ҳам уч хил бўлади:

- 1) закот бериш вожиб бўлиши учун нисоб;
- 2) закот олмаслик учун белгиланадиган нисоб;
- 3) тиланишни ҳаром қиладиган нисоб.

Биринчи нисобни белгилашда ҳожати аслийдан ташқари номий (ўсиб турувчи) моллар ҳисобга олинади. Масалан, тилло, кумуш, нақд пуллар, тижорат моллари ва закоти берилиши шариатда белгиланган чорва ҳайвонлари.

Иккинчи нисобни белгилашда эса ҳам номий, ҳам номий бўлмаган моллар ҳисоб қилинади. Ўсиб турувчилари юқоридагилардан маълум. Номий бўлмаганлари эса тижорат мақсадида бўлмай, ўғиллар учун сотиб олинган қуруқ ерлар, (ўзи ўтирган уйининг ёнидаги хоналардан ташқари) ижарага берилмай, бўш турган уйлар, ўғил-қизга бериш мақсадида олиб қўйилиб, уларга мулк қилиб берилмаган сеп-сидирғалар (агар уларга мулк қилиб берилган бўлса, олган ўғил-қизларнинг нисобига ҳисоб қилинади), ҳеч вақт истеъмол қилинмайдиган сувенир ва идишлар, телевизор ҳам ҳожати аслийдан ташқари мол ҳисобланади. Бу нарсалар гарчи закот беришда ҳисобга олинмаса-да, закот олишда ҳисобга олинади. Кимнинг ҳожати аслийсидан ташқари юқорида зикр қилинган нарсалари бор бўлиб, закот нисобига етса, ундай кишиларга закот олиш жоиз эмас. Лекин зиммасига қурбонлик қилиш ҳамда фитр садақасини бериш вожиб бўлади.

Биринчи нисобни билиш закот берувчилар учун зарур. Иккинчи нисобни билиш эса ҳам берувчи (ўз ўрнига бериши учун), ҳам олувчи учун зарурдир. Чунки бу нисобга ҳам кўп ҳукмлар тааллуқли. Масалан, садақаи фитр бериш ва қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Садақа олмаслик (ҳадя бўлса жоиз), назр қилинган гўштни емаслик, назр қилинган нарсаларни олмаслик керак.

Учинчи нисоб бир кунлик егулиги бўла туриб, тиланчилик қилиши ҳаром бўлган нисобдир (“Умдатул фиқҳ”).

Баъзи бирлар “Нисобга эга бўла туриб, ёнида нақд пули бўлмаса, қурбонлик қилиш вожиб эмас”, деган гапларни айтишади. Бу нақд пули ҳам, ҳожати аслийдан ташқари сотадиган нарсаси ҳам бўлмаган ҳолатдадир. Қарз олиб қурбонлик қилишга келадиган бўлсак, қарз берувчи қурбонлик қилишингизни билиб туриб берса, жоиз. Ёнида нақд пули бўлмагани учун қарз олишга мажбур бўлса, қарз олиш лозим. Қарзи бўла туриб, қарзини узмасдан қурбонлик қилиш эса жоиз эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қарзини узишга қодир бўла туриб бермаслик – зулмдир”, деганлар.

Ҳақдордан қурбонлик қилиш сўралганида рози бўлса, жоиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ وَجَدَ سَعَةً لِأَنْ يُضْحَى، فَلَمْ يُضَحِّ، فَلَا يَحْضُرُ مُصَلًّا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, ийдоғохимизга келмасин», дедилар» (Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишган).

4. Муқим бўлиши. Мусофирга қурбонлик вожиб эмас, гарчи сафарда нисоб миқдорига эга бўлса ҳам. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мусофир зиммасига қурбонлик вожиб эмас”. Шу сўзни Абу Ҳанифа ва Иброҳим Нахаъийлар ҳам айтишган (“Авнул Маъбуд”).

Шунингдек, қурбонлик қиламан, деб назр қилган кишининг зиммасига, таматтуъ ва қирон ҳажини қилган ҳамда уларда қурбонлик вожиб қиладиган жиноятларни содир этган ҳожининг зиммасига вожиб бўлади.

ҚУРБОНЛИК ВОЖИБ БЎЛА ТУРИБ ҚУРБОНЛИК ҚИЛМАСЛИК БОРАСИДА КЕЛГАН ВАЪИДЛАР

Сўнгги пайтларда кўпчилик одамлар бепарволиклари туфайли қурбонликни қоидага мувофиқ адо қилмаяптилар. Ваҳоланки, у қоидаларга риоя қилиш ва уларга эътибор бериш зарур эди. Баъзи имкони бор кишилар зиммаларига қурбонлик вожиб бўла туриб, қурбонлик ҳақида заррача ҳам фикр юритмайдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ وَجَدَ سَعَةً لِأَنْ يُضْحَى، فَلَمْ يُضَحِّ، فَلَا يَحْضُرُ مُصَلًّا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, ийдоғохимизга келмасин», дедилар» (Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишган).

Бу ҳадисдан қурбонликка қодир бўла туриб қилмаган кишидан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қанчалар норози бўлишларининг аломати зоҳир бўляпти. Ҳар қандай мусулмон Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг норозиликларига бардош қила олармикин? Бу норозилик зиммасига қурбонлик вожиб бўла туриб, уни адо этмаган кишилар учундир.

Ийдгоҳ ўзи шундай жойки, ҳатто зиммасига намоз ўқиш вожиб бўлмаганлар ҳам бу ерга жамланишга тарғиб ва ташвиқ қилинади. Ўша пайтда ҳайз кўрган аёллар ҳам ийдгоҳда ҳозир бўлишарди. Аслида эса ҳоиза аёлга ҳатто намоз ўқиш ҳам жоиз эмас. Лекин бу ҳукм Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг замонларигагина хос бўлиб, кейинчалик фитналар хавфининг олдини олиш учун бекор қилинган.

Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг сўзларига эътибор беринг, у зот: “Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, ийдгоҳимизга келмасин”, деб ҳукм қилмоқдалар.

Қурбонлик қилмайдиган кишидан Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг қанчалик нафратланганликлари маълум бўлди. Бундай шахсга мусулмонлар ийдгоҳининг яқинига ҳам йўламаслик ҳукми берилди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга заррача ҳам муҳаббати бўлган киши учун бу гап жуда қаттиқ гап! Лекин, афсуски, қурбонликка шу қадар таъкид бўла туриб ҳам, баъзи кишилар бу борада бепарволик қилишмоқда.

ҚУРБОНЛИК ВОЖИБ БЎЛМАСА ҲАМ, ҚИЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ

Қурбонликнинг фазилати ва савоби улуг бўлганидан зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлмаган кишилар ҳам уни қилишга ҳаракат қилишлари ҳамда савобидан баҳраманд бўлишга интилишлари лозим. Ахир дунё қувончи учун қанча бўлса, шунча сарфлаган инсон Аллоҳнинг розилиги учун бироз маблағ сарф қила олмайдими? Нима зиммамизда фарз ёки вожиб бўлса, ўшаларнигина адо этамиз, десак, у ҳолда дунё ишлари борасида нега шу гапимизга амал қилмаяпмиз?

Аслида заруратнинг миқдори шуки, жон сақлаб юришлик учун арпа унидан бўлган нон

ҳам кифоя қиларди, лекин биз бу билан кифояланмай, палов ва кабобларни нима учун еяпмиз? Иссиқ ва совуқликнинг ҳалокатидан сақланиш учун дағал, қўпол матолар ҳам ярайди, аммо юпқа ва нафис матолардан бўлган кийимларни нега киямиз? Аллоҳ таоло эркаклар зиммасига аёллари учун ёзги ва қишки кийимлардан бир сидрадан олиб беришларини вожиб қилган. Лекин барча эркаклар бу билан кифояланмайди. Кўзига яхши кўринган ёки аёли истаган нарсани олиб беради. “Нега бундай қилдингиз?” деб сўралса, аёлини яхши кўриши ва унга яқин бўлишни хоҳлашини айтади.

Нафсимизни хурсанд қилиш учун зарур бўлмаган ишларни ҳам қиламиз, диннинг ишига келганда эса “Шу зарурми?” деймиз. Бизнинг бу гапимиздан “Агар қурбонлик қилмаслигимда катта гуноҳ бўлмаса, қилмайман, йўқса, қилишга мажбурман. Энди бошқа иложим қанча?!” деган нарсани тушуниш мумкин.

Эътиқодни тўғрилаш учун зарур ва зарур бўлмаган нарсалар илмини сўраб билиб олиш яхши. Чунки зарурий бўлган ишларни зарурий, зарурий бўлмаган ишларни зарурий эмас, деб эътиқод қилиш вожиб. Лекин амал қилиш учун “Шу ишни қилсам, Аллоҳ мендан кўпроқ рози бўладими?” деб сўралса, яхши бўларди.

Агар Аллоҳ бирор амалдан жуда хурсанд бўлиши бизга маълум бўлса, ҳеч ўйланмасдан кучли рағбат билан ўша ишни қилишга ҳаракат қилишимиз керак.

Кўпгина инсонлар динга муҳаббатлиман, деб даъво қилишади, намоз ва шунга ўхшаш бошқа амалларда жуда мустаҳкам бўлишади, аммо бир-икки сўм сарф қилиш вақти келса, ҳийла қидиришга киришиб кетадилар. Бу иймоннинг заифлиги аломатидир.

Хулоса қиламизки, муҳтарама аёлларимиз, азиз опа-сингилларимиз қурбонлик масалаларини пухта ўрганиб, бу амални ҳам муҳаббат билан адо қилсалар, савобларидан баҳраманд бўлсалар, қучоғида катта бўлаётган келажак авлодларга ҳам бу амалнинг муҳаббатини сингирсалар, ёшлиқдан мулкий ҳақларини танитсалар. Аёллар бош мураббия бўлганлари учун ҳам бу нарсаларни чуқур ўрганиб олишлари мақсадга мувофиқдир.



صلى الله
عليه وسلم

УММУ
АЙМАН

УММУ АЙМАН РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Умму Айман Барака бинти Саълаба ал-Ҳабашийя – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чўриси ва энагаси, у зотнинг муҳаббатлари йўлида эри Зайд ибн Ҳарисани қурбон қилган аёл, шаҳид Айман ибн Убайда ва Ислом қўмондонларидан бўлган маҳбубнинг ўғли маҳбуб Усома ибн Зайдларнинг онаси, илк ҳижрат қилган улўф саҳобийлардан бири.

Барака Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оталаридан мерос қолган чўри бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизиш шарафига муяссар бўлган аёл. Умму Айман Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари Омина билан Мадинада сафарда бирга бўлган. Омина Маккага қайтаётганида йўлда бетоб бўлиб, Абвода вафот этгач, Умму Айман Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Маккага қайтган. У зотга оналарининг вафотларидан кейин амакилари Абдулмутталиб билан бир қаторда оналик меҳрини берган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадийжа онамизга уйланганларида Баракани озод қилганлар. Убайда ибн Ҳарисга турмушга чиқиб, ундан фарзанди Айманни кўрган. Эри билан Ясрибга кетиб, турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг яна Маккага қайтган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимни жаннат аҳлидан бўлган аёлга уйланиш суюн тирса, Умму Айманга уйлансин», деганлар. Расулulloҳнинг сўзларидан сўнг Баракага улўф саҳобийлардан бўлган Зайд ибн Ҳариса уйланган. Ушбу икки буюк инсондан Усома розияллоҳу анҳу дунёга келган. Умму Айман, умр йўлдошлари Зайд ва фарзандлари Усома Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга энг суюкли кишилардан бўлишган.

Умму Айман Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилганларида ортларидан уловсиз ҳижрат қилганлар. Иссиқ кунда очлик-ташналикдан қийналиб Равҳога етганида Аллоҳ унинг ғам-ғуссасини кетказган, қайта ҳаётга қайтарган, ёмғир ёғдирган. Умму Айман розияллоҳу анҳо: “Ўша кундан кейин чанқаш учун қуёш тиғида юрсам ҳам, бошқа чанқамдим”, деган.

Уҳуд, Ҳунайн жангларида бир қанча саҳобий аёллар сафида қатнашиб, барча аёллар сингари жароҳатланганларга ёрдам кўрсатиб, мужоҳидларга сув ташиган. Йигирмата саҳобийя аёл қатнашган Ҳайбар ғазотида ҳам Умму Айман шижоат билан хизмат кўрсатган. Эри Зайд Муъта жангида ҳалок бўлган. Кўп ўтмай, ўғли Айман ҳам Ҳунайн ғазотида шаҳид кетган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Абу Бакр Умарга: “Умму Айманнинг олдида борамиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни зиёрат қилганларидек биз ҳам зиёрат қиламиз”, деди. Умму Айман Абу Бакр ва Умарни кўрганида йиғлади. Шунда улар: “Нега йиғлаяпсиз? Аллоҳнинг ҳузураридаги Расули учун яхшидир”, дейишди. Умму Айман: “Аллоҳнинг ҳузураридаги Расулulloҳ учун яхшилигини биламан, лекин мен ваҳий узилганига йиғлаяпман”, деди. Абу Бакр ва Умар ҳам унга қўшилиб йиғлашди.

Улўф саҳобийя Умму Айман розияллоҳу анҳо Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида вафот этиб, “Бақий” қабристонига дафн қилинган.

Қодирова Муслима тайёрлади.



ДУОНИНГ ИЖОБАТ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Куни кеча уч миллионга яқин мусулмонлар Арафот тоғи ҳамда унинг атрофида йиғилиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога дуо ва қўрқинч билан илтижо қилдилар. Улар қўлларини осмонларга кўтариб, Аллоҳдан Ўзининг раҳматини туширишини ва азобини кетказишини сўраб ҳамда ер юзидаги барча мусулмон дўсту ёрларига ёрдаму зафарлар беришини тилаб дуолар қилишди.

Мана шу ҳолатда кўплаб мусулмонларнинг кўнглига суқилиб кирадиган фитна шуки, бизларнинг биримиз: «Мана кўпчилик жамоат бўлиб, дуо қайтарилмайдиган кунда, дуо рад этилмайдиган жойда Аллоҳ таолога муножот қиляпти. Арафа кунининг тонгидан то кечасигача мусулмонлар ҳамда бутун Ислому уммати учун зафарлар тилаб илтижо қилмоқда. Мана биз қараб туриб, дуонинг ижобат бўлиш кўринишини топа олмаяпмиз. Энди «Ушбу кунда қилинган дуо рад этилмайди, Арафотдаги дуо қайтарилмайди», дейилган қоида қаерда қолди?!» дейишидир.

Бу кўпчилик инсонлар зеҳнига шайтон киритаётган фитнадир.

Мен ушбу саволга мусулмон одамни жин ва инсонлар васвасаларига қарши ҳимоя қила оладиган нарса билан жавоб беришни истайман.

Агар ҳожилар дуоларнинг ижобат бўлиш шартларини бажарган бўлсалар, уларнинг ўзлари учун қилган дуолари ижобатдир.

Дуоларнинг ижобат бўлиш шартлари икки ишда умумлаштирилади. Биринчиси дуо қилувчининг барча гуноҳ ва маъсиятлардан тавба қилишдан бошлашида бўлса, иккинчиси мазлумларнинг ҳақларини ўз эгаларига қайтариб бериш ёки ўша мазлумлардан кечирим сўрашда якун топади. Агар дуо қилувчи шу ишни қилса ва Аллоҳ таолога юзланиб, Унинг ҳузурига тавба эшигидан кирса, албатта, Аллоҳ азза ва жалла унинг ўзи учун қилаётган дуосини ижобат қилади.

Лекин у ҳатто ҳожи бўлса ҳам ёки ўзлари учун дуо қилаётган бўлсалар ҳам, агарда гуноҳлари-

дан Аллоҳга тавба қилмаса ва зиммасида бошқаларнинг ҳақлари борлигини билса-да, уларни эгаларига қайтариб, улардан кечирим сўрамаса, унинг дуоси ижобат қилинмайди. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини ўқимагансизларми?!

«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда ижобат қиламан. Бас, Менга ҳам ижобат қилсинлар ва иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар» (Бақара сураси, 186-оят).

Аллоҳ Ўзининг ижобат қилишини сизнинг Унинг буйруқларига ижобат қилишингизга қандай боғлаганига эътибор беринглар, эй дўстларим!

«Бас, Менга ҳам ижобат қилсинлар».

Агар сиз дуоингизни Аллоҳ ижобат қилишини истасангиз, Унинг сизга буюрган буйруқларини бажаринг ва Унинг сизга қилган насиҳатларига қўлоқ солинг.

Аммо ҳожининг ёки бошқаларнинг ер юзидаги мусулмонлар жамоасига қилаётган дуоси бошқа масала.

Аллоҳ таоло дуони ижобат қилиши учун ушбу икки шарт юзага чиқиши лозимлигини, дуо қилувчининг тавба қилиб, тили ва дили билан қайтиши кераклигини ҳамда мазлумларнинг ҳақларини ўз эгаларига қайтариб бериши зарур эканини айтиб ўтдим.

Агар дуо қилувчи ушбу ишларни бажарса, Аллоҳ таоло унинг ўзи ҳақидаги дуоларини ижобат қилади. Лекин бошқа мусулмонлар дуонинг ижобат бўлиш шартини амалга ошираётганларини сиз қаердан биласиз?! Ер юзидаги жиноятлари ҳақида уларга дуо қиляпсиз-у?! Кўплаб мусулмонлар такаббурлик билан Аллоҳга гуноҳлар қилиб юрибди. Турли табақадаги кишилар ўзлари билган хатоларни бажаришда давом этиб, уни ўзлари учун ҳалол деб билишмоқда. Улар шу ҳолда юрсалар, менинг улар ҳақида қилаётган дуоимни Аллоҳ қандай ижобат қилади? Улар-

нинг ўзлари гуноҳ-маъсиятга ботиб юрсалар, менинг улар учун сўраётган дуоларимни Аллоҳ таоло қандай қабул этсин? Уларнинг бу хатолари фақатгина уларнинг ҳаёт йўлларида эмас, балки улар ўз хатоларини оқлаб, қилаётган ушбу гуноҳларида ўзларини ҳақмиз, деб биладилар. Бу ҳолда дуо ижобат бўлмайди.

Кўпчилик одамлар хаёлида айланиб юрган саволнинг жавоби мана шудир.

Мен сизларга шуни айтаманки, эй Аллоҳнинг бандалари, инсон гуноҳ қилаётган вақтда икки инсоннинг бири бўлади: биринчиси – ожизлигидан ва ёмонликка чорловчи нафси шаҳватига мағлуб бўлганидан гуноҳга қўл урадиган одам. Шубҳа йўқки, бундай гуноҳкор одам ҳол тили билан Роббисига айтади: “Аллоҳим, мен гуноҳ қилганимни биламан ва Сенинг азобингга ҳақли бўлиб қолганимни ҳам биламан. Қасамки, мен бу гуноҳни такаббурлик қилиб содир этганим йўқ ва мен гуноҳимни тан оламан. Лекин нафсим менга ғолиб келиб, ожизлик қилдим. Сенинг Ўзинг Каломингда бандаларингни васф қилган заифлик мени ҳам тутиб, шу ишни содир этдим”.

«Ва инсон заиф ҳолда яратилгандир» (Нисо сураси, 28-оят).

Аллоҳ таоло бундай инсонни мағфират қилиб, гуноҳларини кечиши аниқ. Бундай одам ўлими олдидан тавба қилиб, гуноҳидан қайтиши ва Аллоҳ азза ва жалла билан ярашиб олиши тайин.

Аммо иккинчи одам қилаётган ўз хатосини тан олади, ҳалокатга элтувчи гуноҳларни содир этиб, ушбу гуноҳида ўзини ҳақ деб билади ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога такаббурлик қилади. Унга Аллоҳ таолонинг буйруқлари эслатилса, эҳтимол, эслатувчини мазах қилиб, менсимайди. Агар унга Аллоҳнинг каломидеги оятлар эслатилса, инкор қилади. Бу каби инсон учун қилинган дуони Аллоҳ қабул этмайди. Чунки уни Аллоҳ азза ва жалладан тўсаётган парда гуноҳда кўзга ташланаётгани йўқ, Аллоҳ Ўзи айтганидек, барча гуноҳларни кечиради. Уни тўсаётган тўсиқ такаббурлик ва қайсарликда кўзга ташланмоқда. Бу тўсиқ ушбу инсоннинг Аллоҳ таолога қилаётган такаббурлигида кўринмоқда.

Аллоҳ таолонинг Китоби такаббурларнинг жаннатга кирмаслигини бир неча бор тушунтириб шундай деган:

«Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар» (Аъроф сураси, 40-оят).

Аллоҳ таоло яна шундай дейди:

«Роббиси оятлари ила эслатилганда улардан юз ўгириб, ўзи қилган (гуноҳ)ларни унутган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Албатта, Биз у (Қуръон)ни англамасликлари учун уларнинг дилларига пардалар ва қулоқларига оғирлик қи-

либ қўйдик. Агар уларни ҳидоятга чақирсанг ҳам, ҳаргиз ҳидоят топмаслар» (Каҳф сураси, 57-оят).

Сизларнинг ҳеч бирингизни шайтон васваса қилмасин ва бирортангиз: «Мана улар дуо ижобат бўладиган жойда, дуо қабул бўладиган кунда йиғлаб дуо-ю илтижолар қилсалар ҳам, уларнинг дуолари ижобат бўлмаяпти», деб айтмасин.

Аллоҳ ижобат қилади. Лекин дуонинг ижобат бўлиши учун ижобат бўлиш шартлари амалга ошсагина, ижобат қилади.

Мана шу сабабдан ижобат бўлиш шартлари амалга ошгандагина Аллоҳ таоло бизларни сироб қилади. Чунки Аллоҳнинг осмонидан ерга ёғайтган ёмғирлар фақатгина мен ва сиз учун тушаётган ризқ эмас, балки у Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунушдан бўйин товлаб, ундан қочаётган барча такаббурларга ҳам тушаётган ризқдир. Шу сабабли барча умматдан бу балони кўтариши учун айтилган шартлар биз томондан ҳам амалга ошиши лозим.

Мен сизларга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига ўзи учун дуо сўраб келган саҳоба ҳақида айтиб берган эдим. Шунда Расулulloҳ ушбу саҳобага: «Сен ўзингни кўп сажда қилишга одатлантиргин», деганлар.

Эҳтимол, Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзининг у ҳақида қиладиган дуоси ижобат бўлиши учун ундаги тойилиш ва камчиликни кўриб, биринчи навбатда унинг ўзи мустаҳкам эҳтиқод билан Аллоҳга тавба қилиши зарурлигини унга эслатишни ирода қилган бўлсалар керак.

Иш шундай бўлганидан кейин биз кабиларнинг бошқалар учун қиладиган дуоларимиз ҳоли қандай бўлади?

Мен Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ер юзидаги барча мусулмонларни Роббиларига қайтиб, ўз ҳолларини тузатиб олишларига ҳамда Аллоҳ таоло билан ярашиб олишларига илҳом беришини сўрайман. Ана шунда Аллоҳ таоло уларга зафарлар бериб, биринчи авлод саҳобаларини ва улардан кейинги авлодларни қўллаб-қувватлагани каби уларни ҳам қўллаб-қувватлайди.

Аммо биз мана шу аҳволда қолсак, мусулмонларнинг раҳбарлари ҳам Аллоҳнинг динидан тойилиб, ундан қочаётган кишилар ордидан уларга кўр одам эргашгани каби эргашадиган бўлсалар, қандай қилиб Аллоҳ таоло уларни қўллаб-қувватлайди? Қандай қилиб уларни ажодлари қўлга киритган азизлик даражаларига кўтарадиган юксалиш эшиклари олдига қўяди?

Биз ушбу ҳақиқатни тушуниб етишимиз лозим.

Ушбу сўзимни айтиб, Аллоҳдан мағфират сўрайман.

**Муҳаммад Саъид Рамазон ал-Бутий хутбаси,
Ғуломов Абдуллоҳ таржимаси**

ҚУРБОН ҲАЙИТИ ҲАҚИДА

Азиз болалар! Қурбон ҳайитини нима учун байрам қиламиз, биласизларми? Баъзиларингиз биларсизлар, аммо кўпчилигингизнинг хабарингиз йўқ, шундайми?! Келинлар, биз сизларга бу байрамнинг тарихи ҳақида гапириб берайлик.

Қадим замонда одамлар Аллоҳни эсдан чиқариб қўйгандилар. Муслмонлик нима эканини билмасдилар. Ўзларича тошларни «Худо» деб ибодат қилиб юришарди. Уларнинг «худо»лари жуда ҳам кўп эди. Одамлар ўзларининг қўллари билан тошлардан ҳар хил ҳайкаллар ясаб олиб, мана шулар «Худо», деб сиғинишар эди. Ўша тош «худо»ларга сажда қилишарди. Касал бўлиб қолишса, бошларига қаттиқ кунлар келса, шу тошлардан ёрдам сўрашарди.

Шундай жаҳолат даврида Аллоҳ таоло Иброҳим исмли пайғамбарни юборди. Кейин унга илм берди. Аллоҳ Иброҳимга Ўзини танитди. Унга Исломни ўргатди. Иброҳим ёлғиз Аллоҳга ибодат қила бошлади. Аллоҳ Иброҳим қўрқмас, иймони кучли йигит бўлгани сабабли яхши кўриб қолди. Шундан кейин уни Пайғамбар қилиб сайлади. Ўзига энг яқин дўст қилиб олди. Одамлар «Иброҳим Халилulloҳ» дейдиган бўлдилар. Халилulloҳ – Аллоҳнинг энг яқин дўсти, дегани эди.

Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломга одамларни Аллоҳнинг йўлига чақиришни буюрди. У Иброҳим пайғамбарга: «Одамларга айтинг, улар бутларга ибодат қилишдан тўхтасинлар», деди.

Иброҳим алайҳиссалом одамларни Аллоҳнинг динига даъват қила бошладилар. У киши оддий инсонларни ҳам, золим подшоҳларни ҳам Ислом динига чақирар эдилар. Ҳақ сўзлари билан ёмонликка қарши жиҳод қилардилар. Ҳеч кимдан қўрқмас эдилар. Кўпгина кишилар адашган йўлларида қайтиб, муслмон бўлишди.

Иброҳим пайғамбарга Аллоҳ чиройли бир ўғил берди. Ўғилларига Исмоил деб от қўйдилар. Иброҳим пайғамбар чақалоқ ўғиллари Исмоилни ва хотинлари Ҳожарни олиб, йўлга чиқдилар. Уларни узокдаги бир чўлга олиб бориб, қўйиб келдилар. Аллоҳ у кишига шундай қилишни буюрган эди.

Исмоил ва Ҳожар онамиз учун Аллоҳ ўша чўлда ернинг тагидан Зам-зам булоғини чиқариб берди. Улар яшаётган саҳро кейин Макка деган улўф шаҳарга айланди.



АЛЛОҲНИНГ ИМТИҲОНИ

Иброҳим пайғамбар ўғилларини жуда яхши кўрардилар. Чунки ўғиллари ақлли ва яхши бола бўлган эди. Иброҳим алайҳиссалом нима десалар, «Хўп бўлади, отажон!» деб айтганларини қиларди. Ота-бола икковлари Аллоҳга қаттиқ иймон келтиришган эди.

Аллоҳ Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломларни имтиҳон қилмоқчи бўлди. Нима учун? Чунки уларнинг иймонлари қай даражада кучли эканини бошқалар кўриши керак эди. Одамлар улардан ўртак олишлари керак эди-да.

Бир кун Иброҳим алайҳиссалом туш кўрдилар. Тушларида ўғиллари Исмоилни сўяётган эмишлар. Пайғамбарларнинг тушлари доимо рост бўлади. Иброҳим пайғамбар ҳам бу тушларини Аллоҳнинг буйруғи деб тушундилар. У киши ўғилларини жуда яхши кўрардилар. Лекин шундай бўлса ҳам, Аллоҳнинг буйруғини бажаришни хоҳладилар. Исмоилга дедилар:

— Ўғлим, мен сени тушимда сўяётган эканман, сен шунга нима дейсан?

Ўғиллари доно ва одобли бола эди. У ҳеч иккиланмасдан дарҳол жавоб қайтарди:

— Эй отажон, сизга нима буюрилган бўлса, ўша ишни қилаверинг. Мен, иншааллоҳ, ҳамма нарсага сабр қиламан.

Иброҳим алайҳиссалом ўғилларининг жавобидан хурсанд бўлдилар. Уни етаклаб, бир қўлларида пичоқ билан шаҳардан ташқарига йўл олдилар. Мино деган жойга етиб келиб, тўхтадилар. Шу ерда ўғилларини қурбонлик қилмоқчи бўлдилар. Исмоил ҳам отанинг ва Аллоҳнинг буйруғига бўйсуниб, ерга ётди. Иброҳим алайҳиссалом ўғилларининг томоғига пичоқни тирадилар. Исмоилни сўймоқчи бўлиб роса ҳаракат қилдилар. Бироқ пичоқ Ис-

моилни ҳечам кесмади... Аллоҳ пичоққа «Кесмагин!» деб буйруқ бериб қўйган эди.

ИБРАТ

Дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳники. Ҳамма нарса Аллоҳга бўйсунди. Пичоқ ҳам олов каби Аллоҳнинг буйруғини бажаради.

Аллоҳ пичоққа «Кесмагин!» деб буйруқ берган эди. Пичоқ Аллоҳнинг айтганини қилди. Исмоилнинг бўйинини озгина бўлса ҳам кесмади. Илгари олов ҳам Аллоҳнинг айтганини қилиб, Иброҳимни кўйдирмаган эди. Кофирлар Иброҳимни ёшлик пайтида оловга ташлаб ёндирмоқчи бўлганди. Ўшанда ҳам Аллоҳ оловга «Иброҳимни кўйдирмагин!» деб буйруқ бериб қўйган эди.

Бу гал Аллоҳ Исмоилни сўйишга буюриб, Иброҳимни синаб кўрмоқчи эди, холос. Қани, у Аллоҳни кўпроқ яхши кўрадими ёки ўғлиними? Иброҳим алайҳиссалом ҳеч хафа бўлмасдан Аллоҳнинг айтганини қилавердилар. Шунинг учун Аллоҳнинг имтиҳонидан яхши ўтдилар. У киши ҳам, ўғиллари ҳам Аллоҳни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўришлари исбот бўлди. Исмоилнинг оналари Ҳожар она ҳам тақволи ва жуда одобли аёл эдилар. Ўғилларини ҳам мана шундай тарбия қилган эдилар. Бу ҳамма муслмонларга ибрат бўлиб қолди.

Муслмонлар ҳам ҳаммадан кўра кўпроқ Аллоҳни яхши кўришлари керак. Ҳатто ўзларининг жонларидан ҳам кўра Аллоҳни яхши кўришлари лозим. Аллоҳ нимани буюрса, «Хўп бўлади!» деб бажаришлари зарур. Ана шунда уларни ҳам Аллоҳ худди Иброҳим ва Исмоилни яхши кўргандек яхши кўради. Ана шунда Аллоҳ муслмонларга ҳам худди Иброҳим ва Исмоилга ёрдам бергандек ёрдам беради.

ҚИЙИНЧИЛИҚДАН СЎНГ ХУРСАНДЧИЛИК

Иброҳим пайғамбарнинг қўлларидаги пичоқ Аллоҳнинг буйруғи билан ўтмас бўлиб қолган эди. Иброҳим алайҳиссалом нима қилишларини билмай, ҳайрон бўлиб турган вақтларида Аллоҳ осмондан нидо қилди: «Эй Иброҳим! Сен тушингда олган буйруқни бажардинг!» Иброҳим алайҳиссалом бошларини кўтариб қарасалар, ҳазрати Жаброил фаришта «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!» деб бир қўчқорни ҳайдаб келяптилар. Аллоҳ Иброҳим пайғамбарга Исмоилни озод қилишни буюрди. Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини қурбонлик қилолмаган бўлсалар ҳам, Аллоҳ Исмоилни «Қурбонлик қилинди», деб ҳисоб қилди. Унинг ўрнига Жаброил фаришта олиб келган қўчқорни сўйиб, қурбонлик қилишни тайинлади. Аллоҳ бу қўчқорни атайин жаннатдан чиқарган эди. Аллоҳ Исмоилни қурбонликдан озод қилгани-

ни билиб, Иброҳим алайҳиссалом жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Аллоҳга шукроналар айтиб, У берган қўчқорни сўйдилар. Ана шундан бери муслмонлар Қурбон ҳайити келганда Аллоҳнинг йўлига қурбонлик қиладиган бўлганлар.

Шундан кейин Аллоҳ Иброҳим пайғамбар ва ўғилларига Аллоҳ учун бир уй қуришни буюрди. Улар хурсанд бўлиб ишга киришдилар. Отабола икковлон Каъба масжидини қуришди. Ўшандан буён ҳар йили минглаб, миллионлаб муслмонлар Аллоҳнинг уйини зиёрат қилиш учун Каъбага ҳажга боришади.

ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ

Биз ҳар йили Қурбон ҳайити келганда бу кунни байрам қиламиз. Дунёдаги барча муслмонлар бу кунни энг катта байрам деб биладилар. Бу байрам яқинлашганда миллионлаб муслмонлар Макка шаҳрига бориб, ҳаж қиладилар. Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломлар яшаган жойларни кўрадилар. Улар юрган йўллардан юрадилар. Аллоҳнинг уйи – Каъба-туллоҳда ибодат қиладилар.

Бу байрам бизга Иброҳим ва Исмоил боболаримизнинг қилган ишларини эсимизга солиб туради. Биз уларнинг Аллоҳ йўлида қилган меҳнатлари ва жиҳодларидан ўрнак оламиз. Биз ҳам улар каби Аллоҳнинг динига даъват қилишни хоҳлаймиз. Улардек чин иймонли муслмон бўлишга интиламиз. Ислом динига ва муслмонларга хизмат қилиш – энг олий хизмат.

Қурбон ҳайити куни – Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссаломлар Аллоҳнинг имтиҳонидан ўтган кунлари. Аллоҳ ҳамма муслмонларни бир-бир имтиҳон қилиб кўради. Биз ҳам Аллоҳнинг имтиҳонларидан яхши ўтишга ҳаракат қиламиз. Агар Аллоҳ йўлида мустаҳкам турсак, синовлардан яхши ўтсак, Иброҳим ва Исмоил пайғамбарларга ўхшаб Аллоҳнинг мукофотларига эришамиз, иншааллоҳ.

ХОТИМА

Мана, азиз болажонлар! Қурбонлик ҳақидаги қиссамиз ҳам тугади. Сизлар бу ҳикояларни ўқиб, Қурбон ҳайити тарихини билиб олдингиз. Энди сизлар ҳам Иброҳим пайғамбардек қўрқмас, ботир ва чин иймонли йигит бўлинглар. Исмоил пайғамбар каби одобли ва итоатли бола бўлишга ҳаракат қилинглар. Қизлар ҳам Ҳожар онамиз каби тақволи ва ҳаёли бўлсинлар. Ана шунда ҳаммангизни Аллоҳ худди Иброҳим, Ҳожар ва Исмоил алайҳимуссаломларни яхши кўргандек яхши кўради. Ҳамма ишларингизда, ўқишларингизда Ўзи ёрдам беради. Одамлар ҳам сизларга ҳавас қилиб юришади.

Дилафруз Юсупова тайёрлади.



«ЭЛИМ, ҚУРЪОН САЙЛИ МУБОРАК БЎЛСИН!»

Бугунги суҳбатдошимиз “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси – 2018” танловининг “Гран-при” совриндори Робия Нажмиддинова ҳамда тиловат йўналиши ғолибаси Нозима Нажмиддиноваларнинг оналари Ҳамидова Зоҳида Аббосхон қизи билан танишинг.

– **Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Авваламбор, шундай улуғ муваффақиятлар билан муборакбод этамиз! Аллоҳ икки дунёнингиз учун ҳам хайрли, барокатли қилсин!**

"Ўзбекистон Қуръон мусобақаси – 2018"дан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Юртимизда Қуръон мусобақаси кенг миқёсда шунчалар тантанали ўтказилиши ҳаммамиз учун катта шодлик, чинакам байрам бўлди. Шоирлик даъвосини қилмасам ҳам, кўнглимга қўйилиб келган сатрларни сизларга илдиндим:

*Хоразмдан Фарғона-ю Шошгача,
Тонглар отмиш бир ажойиб бошгача,
Сакиналар тушмиш тоғу тошгача,
Элим, Қуръон сайли муборак бўлсин!
Мўмин қалбин ҳаловати Қуръондир,
Ибодати, тиловати Қуръондир,
Икки дунё саодати Қуръондир,
Элим, Қуръон сайли муборак бўлсин!*

Шундай файзли кунларга етказган Аллоҳ таолога шукр қилиш баробарида, аввало, Юртбошимизга, ушбу улкан Қуръоний тўйнинг чиройли ўтишида камарбаста бўлган барчага, хусусан, ҳакамлар, ташкилотчилар ва уларга беминнат ёрдам берган инсонларга иштирокчиларнинг оналари номидан раҳматлар айтаман.

– **Қандай она бўлишни орзу қилгансиз?**

– Фарзандлар Аллоҳнинг бизга берган неъмат ва улкан омонатидир. Шу неъматнинг шукри адо этиш учун қўлимдан келганича яхшироқ она бўлишга ҳаракат қилдим. Уларни имконият даражасида Қуръон ва адабиётга ошно қилиш, илм билан бирга, қизларга хос назокат, одоб-ахлоқ, ҳаё туйғусини сингдиришга, бунда, аввало, она сифатида ўрнатилган бўлишга интилдим.

– **Илмга қизиқишингизга қандай омиллар сабаб бўлган?**

– Илмга қизиқиш бизнинг авлодга хос нарсаси. Оилада ҳамиша диний ва дунёвий илмлар, мусиқа ва шеърятга қизиқиш катта бўлган. Ўрта махсус ва олий Ислом билим юрларида фикр фани сифатида ўргатиладиган аҳкомлар бизга тарбиянинг бир бўлаги, оддий ҳаёт сабоғи сифатида сингдирилган. Илмга муҳаббат, аҳли илмга бўлган ихлос ва эҳтиром онам ҳамда қайнонамда жуда мукамал шаклланган эди. Улардаги ана шу хислатлар самараси, ҳавас ила қилинган дуо-

лар ижобати ўлароқ, Аллоҳ таоло фарзандларимизга бу муваффақиятларни ато этган, деб ўйлайман.

Биз уч опа-сингил овсин бўлганмиз. Бу йилги Қуръон мусобақаларига ҳар биримизнинг икки-тадан фарзандимиз иштирок этишди.

– Фарзандларга илм беришни неча ёшдан, аввал қайси илмдан бошлаш керак? Фарзандларни жазолаш ҳақида нима дейсиз?

– Менимча, фарзанднинг илмга муҳаббатли, зиёли инсон бўлишини орзу қилган она, аввало, ўзи илмли бўлиши лозим. Она фарзанди ҳомила чоғида кўпроқ мутолаа қилиши керак. Аввало, Каломуллоҳдан вазифаси бўлсин, кейин бадий-илмий китоблар, шеърлар ўқисин. Яхши суҳбатларда иштирок этсин ва, албатта, энг асосийси дуода бўлсин.

Илм қанча эрта бошланса, шунча яхши бўлади. Бунини, аввало, тили сўзга кела бошлаганда ноқ иймон калималарини ўргатишдан бошлаш керак. Биз болалар кичик вақтида эрталаб юзқўлларини ювдираётимиз, калимаи шаҳодатни ўзимиз овоз чиқариб айтишдан ёдлатишни бошлаганмиз. Кейин секин-аста Қуръон саводлари чиқарилди.

Фарзандларимга берган энг катта жазом “Даданга айтиб бераман”, деган дўқ эди. Бу усул ҳар бир ўзбек аёлининг энг яхши қуроли ҳисобланганидек, бизнинг оилада ҳам яхши натижалар кўрсатган.

– Фарзандларга таълим-тарбия бериш, қизларнинг илм олиш жараёнидаги сиз учун эсда қоларли воқеалардан айтиб берсангиз.

– Қизларнинг илм олиш жараёни, деган саволни ўқиб, қиш кечалари сандал атрофида, мойчиноқ ёруғида бўлган дарслар ёдимга тушди. Қишлоқ шароити, кўпинча чироқ ўчиб қолар эди. Лампа чироқ ёруғида, қўлларидан китоб билан дарс топшириш учун дадаларини кутиб ўтирган жажжи қизчалар кўз олдимга келди.

Бир куни катта қизимиз наҳв дарслигига қалам билан эъроб қўйиб олгани учун дадаси қўлига ёғоч чизғич билан туртиб жазолаганлари, унинг қайтиб китобга ҳатто нуқта ҳам қўймасдан ўқишни бошлаганини энди кулиб эслаймиз.

Робияхон 4-5 ёшлар эди, чамаси. Дадаси ёнларига олиб: “Катта бўлсанг, халқаро Қуръон мусобақаларига борасан. Худди Робия бинти Малайзияга ўхшаб, сенинг Робия бинти Ўзбекистон деб чиқишингни эълон қилишади. Сен эса бундай ўқийсан...” деб уч-тўрт оятни тараннум билан ўқиб кўрсатар эдилар.

Алҳамдулиллаҳ, бу йил ўша орзулари рўёбга чиқиш арафасида турибди. (Саволларга жавоб берилаётган вақтда Робияхон Малайзиядаги халқаро Қуръон мусобақасига кетишга тайёрланиб турган вақт эди.)

Форум маъмурияти



Ҳаж ҳақида

– Ассалому алайкум! Ушбу сайтдан «Ҳажга оид маълумотлар» мақоласини ўқиб, илмим камлиги сабабли тушунмаган сатрларимни сиздан сўрамоқчиман. “Бу ошиқона ибодат бўлиб, у ерга бориш фақат ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаж эълонига “Лаббай!” деб жавоб берган кишиларгагина насиб этади. У неча маротаба “Лаббай!” деган бўлса, ўшанча Каъбатуллоҳга ҳозир бўлиш шарафига муяссар бўлади”, дейилган экан. Шунини қандай тушуниш лозим? “Лаббай!” дейишдан мурод мана шу қалбимизда ва тилимизда иймон келтириб, ҳажга боришни астойдил хоҳлашми ёки бошқа бир маъно борми? Устоз, вақтингизнинг ва ишларингизнинг баракасини Аллоҳим зиёда қилсин, илоҳим!

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом! Аллоҳ таоло Ҳаж сурасининг 27-оятда:

وَأَذِّن فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ

«Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар», дея марҳамат қилади. Иброҳим алайҳиссаломга бутун инсонларни ҳажга чақириб буюрилган. Шунга кўра Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амрига итоат қилиб, инсонларни ҳажга чақирганларида ўша пайтда қайси руҳ «Лаббай!» деб жавоб берган бўлса ва неча бора “Лаббай!” деган бўлса, шунча ҳаж қилиш насиб қилади, деган гап назарда тутилган. Бу тақдирга тааллуқли масала бўлиб, насиб қилган одам ҳаж қилиши ва насиб бўлишини эса руҳларнинг «Лаббай!» дейишига боғлаш бор, холос. Валлоҳу аълам!

Рамазонда адо этилган умра ҳаж баробарида бўладими?

– Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Мен "Риёзус солиҳийн" китобида "Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: "Рамазонда адо этилган умра ҳаж баробарида ёки мен билан ҳаж қилган баробарида бўлади", дедилар", деган жойини ўқиб қолдим. Ушбу ҳадис тўғрими? Исломининг беш фарзидан бири бўлган ҳажни Рамазон ойида умра билан адо этса бўладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:

– Сиз ҳадисни тўғри тушунмабсиз. Унда ҳажни Рамазон ойида адо этса бўлади, деган маъно йўқ. Балки Рамазон ойида қилинган умрага ҳажнинг савоби берилади, деган маъно бор. Ҳажнинг бош рукни Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арафотда туришдир. Шунинг учун бошқа ой ва кунларда ҳаж қилишнинг мутлақо имкони йўқ.

Умра

– Ассалому алайкум. Ҳазрат, сизга қуйидагича саволим бор эди: аёл киши умрага почаси ва опаси билан борса бўладими?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:

– Бўлади.

Шундай қилсам бўладими?

– Ассалому алайкум, Одина опа! Мен ҳозир ижарада тураман, лекин ҳаётим ва шароитларим жуда яхши. Турмуш ўртоғимдан олиб йиғиб юрган пулларимга кейинги йилда қурбонлик қилсам бўладими?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Агар ўзингизнинг шахсий мулкингиз нисобга етган бўлса, ижарада турган бўлсангиз ҳам, сизга қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Мулкингиз нисобга етмаган бўлса ҳам, қурбонлик қилишга имкониятингиз бўлса, ихтиёр ўзингизда, қилсангиз, савобини олаверасиз. Валлоҳу аълам.

Ҳаж амаллари

– Ассалому алайкум. Ҳаж амалларини бажаришга борган муслималар ҳижобга ўранган, яъни авратлари беркитилган ҳолда бўлади. Лекин эркаклар ярим яланғоч бўлиб, оқ сурпга ўраниб олишади ва белларидан тепаси, елкалари, кўкраклари, қорнигача очиқ туради. Саволим шуки, эркакларда чегараланган аврат қисми борми? Муслима аёлларга номаҳрам эркакларнинг очиқ баданига кўзи тушиши ёки ўша ярим яланғоч номаҳрам эркаклар билан бир гуруҳ бўлиб, ҳаж амалларини бажаришга шариатда аниқ ҳужжатлар келтирилганми?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Аллоҳга шукрлар бўлсин, ҳозирда шариатимизни ўрганиш учун китоблар, сайт маълумотлари анча кўпайиб қолди. Ҳажга оид китобларни, мақолаларни ўқиб борганингизда ушбу саволларингизга жавоб топган бўлардингиз. Албатта, бутун олам ҳеч бир ҳужжатсиз, далилсиз ҳаж амалини бажариш учун бундай ҳолатда бўлиб олмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам худди шундай қилиб эҳром боғлаганлар. Эркакларнинг киндикларидан тиззаларигача аврат ҳисобланади. Яъни, улар мазкур жойларини (тизза ҳам авратга киради) эркакларга ҳам, аёлларга ҳам кўрсатмасликлари керак. Бошқа жойлари аврат эмас. Муслима аёлнинг муслима аёлга нисбатан аврати ҳам шундай. Энди сизга ғаройиб туюлган ҳаждаги эркакларнинг эҳром либоси, яъни икки бўлак мато уларнинг авратларини беркитади, албатта. Эҳромда бундай ҳолатда бўлиш жуда катта ҳикмат ва маънога эга. Ҳаж ибодатини ният қилган одам дунё матоҳларидан тамоман холи бўлган ҳолатда икки дона матога ўранади, худди кафанлик каби. Бунда тарки дунё қилиш ва хокисор ҳолда Аллоҳга юзланиш бор. Аммо аёлларнинг юз-қўлларидан бошқа ҳамма аъзолари аврат экани сабабли уларга кийим кийишга рухсат берилган. Лекин улар номаҳрам эркакларга кўз тикишдан қайтарилган. Эркак ва аёлларнинг ҳаж ибодатида бундай кўринишда бўлишларининг ўзига яраша ҳикматлари бор. Валлоҳу аълам.

Қурбонлик сўювчининг ҳаққи

– Ассалому алайкум, устоз. Яна бир саволим: қурбонликни ўзи сўйишни билмас-ю, қассобга сўйдирса, хизмат ҳаққига қурбонлик қилинаётган ҳайвоннинг гўштидан берса бўладими ёки пул бериш керакми? Илтимос, жавобингиз жуда ҳам зарур, олдиндан раҳмат каттакон. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:

– Қурбонликдан қассобга ҳақ бериб бўлмайди.

Азиза Жалолиддинова тайёрлади.

ҲАҚИҚИЙ МОЛИКНИНГ НАЗАРИ ҚАНДАЙ БЎЛАРКИН?!

Аллоҳ фарз қилган ҳаж ибодатини адо этишга моли ва қудрати етган кишилар боради. Байтуллоҳга қалблари муштоқ инсонларнинг ҳоллари қандай бўлган? Фақирлик ва машаққатга қарамай, Ҳарам тупроғига етишиш йўлида қандай қурбонликлар қилишган?

Ҳатим ул-Асом солиҳ кишилардан бўлган. Бир йили ҳажга боришни қалбан қаттиқ истади. Лекин унда на ҳажга боришга, на оиласига қолдиришга нафақаси бор эди. Ҳаж мавсуми яқинлашганда қизи уни маҳзун, йиғлаган ҳолда кўрди.

Отасига:

– Сизни нима йиғлатди, отажон?! – деди.

Ҳатим:

– Ҳаж мавсуми келди... – деди.

Қиз:

– Нега ҳажга кетмаяпсиз?! – деди.

Ҳатим:

– Нафақа йўқ! – деди.

Қиз:

– Аллоҳ беради! – деди.

Ҳатим:

– Сизларнинг нафақангиз-чи?! – деди.

Қиз:

– Бизга ҳам Аллоҳ беради, – деди.

Ҳатим:

– Бу ишни онанг ҳал қилади, – деди.

Қиз онаси билан гаплашди. Охири ҳаммалари:

– Ҳажга бораверинг, ризқимизни Аллоҳ беради, – деб рози бўлишди.

Ота уларга уч кунлик нафақани қолдириб, ўзи озгина мол билан ҳаж сафарига отланди.

Карвон ортида ўй суриб бораркан, шу пайт карвонбошини чаён чақиб олди. Карвондагилар:

– Ким йўлбошчимизни ўқиб даволайди? – деб сўрашди.

Ҳатим уни даволади.

Карвонбоши:

– Унинг бориш ва қайтиш нафақаси менинг зиммамга! – деди.

Шунда Ҳатим:

– Аллоҳим! Бу менга қилган тадбиринг! Энди аҳли оиламга қиладиган тадбирингни ҳам қўрсат! – деб дуо қилди.

Уч кун ўтгач, оиланинг нафақаси тугаб, оч-

ликдан қийнала бошладилар. Қувониб ўтирган қизга маломат қилиб:

– Очликдан ўлай деяётган бир пайтимизда нега куласан? – дейишди.

Қиз:

– Отамиз ризқ берувчими ёки ризқ егувчи-ми?! – деб сўради.

Оиласидагилар:

– Ризқ егувчи, албатта. Ризқни фақат Аллоҳ беради! – дейишди.

Қиз:

– Шундай экан, ризқ егувчи кетиб, ризқ берувчи қолди! – деди.

Шу йўсинда туришганида эшик тақиллади.

Улар:

– Ким? – деб сўрашди.

Эшик ортидаги киши:

– Амирул мўминин сизлардан сув сўраяптилар! – деди.

Уларнинг изни билан идишни сувга тўлдириб, олиб кетди. Халифа сувни ичганида олдин тотмаган бир лаззатни ҳис қилди, сувни қаердан келтирганларини сўради.

Улар:

– Ҳатимнинг уйдан, – дейишди.

Халифа:

– Уни мукофотлашим учун чақиринглар! – деди.

Улар Ҳатимнинг ҳажга кетганини айтишди.

Шунда амирул мўминин қимматбаҳо матодан тикилиб, жавоҳирлар билан безалган белбоғини ечди-да:

– Бу Ҳатимнинг оиласига! Ким мени яхши кўради? – деди. Барча аъён ва вазирлар белбоғларини ечишди. Белбоғлар устма-уст бўлиб, тўпланиб кетди. Бир тижоратчи уларни сотиб олди ва белбоғларни эгаларига қайтарди. У берган молдан Ҳатимнинг уйи ўлгунларича етадиган олтинга тўлди.

Уй эгалари таом сотиб олдилар. Улар хурсандликдан кулаётган бир пайтда қиз йиғларди. Она қизига:

– Сенинг ишинг ажойиб! Очликдан йиғлаётганимизда кулаётгандинг, энди Аллоҳ мушкулимизга кушойиш берганда нега йиғлайсан?! – деди.

Қиз:

– Ўзига фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайдиган халифа бизга шафқат кўзи билан қараганида унинг назари бизни ўлимдан қутқарди, онажон! Мулкнинг ҳақиқий Эгасининг назари қандай бўларкан-а?! – деди.

Шундай қилиб, Ҳатим ҳаждан қайтганида дуоси ижобат бўлиб, ташвиши ариб, ҳожати равон бўлган эди.

*Араб тилидан
Қодирова Муслима таржимаси*



“MUSLIMAAT.UZ” ФАОЛИЯТИ

Ассалому алайкум, азиз опа-сингиллар, ҳурматли “muslimaat.uz” сайти мухлислари!

Сизга маълумки, сайтимиз 10 йилдан бери илм-маърифат таратиш йўлида бардавом бўлиб келмоқда. Бу борада ҳар томонлама саъй-ҳаракатда бўлиб, сиз опа-сингилларимизни қизиқтирган мавзуларда яқин кўмақдошдир.

Хуллас, қайси соҳада бўлмасин, хоҳ у эътиқод, ибодат, руҳий тарбия масалаларими ёки хоҳ у оила, фарзанд тарбияси, қайнона-келин муносабатларими, ёш қизларимиздан тортиб муниса онахонларимизгача ўзларини қизиқтирган барча масалаларда Одинахон Муҳаммад Юсуф раҳбарлик қилаётган “muslimaat.uz” сайтидан жавоб топишлари мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев динимиз ривожини ва уламоларимизнинг кенг фаолияти борасида жуда катта имкониятларни яратиб бермоқдалар. Жумладан, юртимизда кенг доирада ўтган Қуръон мусобақалари, ундан сўнг 4-5 май кунлари бўлиб ўтган “Ҳадиси шариф билимдони – 2018” – илк бор ҳадиси шариф бўйича беллашув бунга яққол мисол бўла олади.

“muslimaat.uz” сайти ходималарига ҳам бу муборак беллашувларда қатнашиш бахти муяссар бўлди. Жумладан, жойларда бўлиб ўтган нурли мусобақаларда ҳозир бўлиб, жараённи ҳам хабар, ҳам интервьюлар, фото ва видеоларлар, жонли эфирлар орқали батафсил ёритиб борди. Шунингдек, шириннафас ва хушовоз қизлар жамоаси гўзал салавоту нашидлар билан мусобақаларга янада завқу шавқ қўшдилар.



МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК

27 апрель 2018 йил санасида «muslimaat.uz» раҳбари Одинахон Муҳаммад Юсуф Россия Федерациясига илмий сафар уюштирди. Одинахон Муҳаммад Юсуф Москва Ислом институтининг кундузги-сиртқи ва сиртқи бўлим декани Имамутдинова Зиля Агзамовна ҳамда кундузги бўлим декани Хабибуллина Гульфия Юнысовна томонидан учрашувга таклиф қилинди.

Йиғилишга тўпланган институт раҳбарияти, ўқитувчилар, талабалар ва бошқа меҳмонлар Одинахон Муҳаммад Юсуф қизини хурсандчилик

билан, қизғин ва чиройли ҳолда кутиб олишди. Учрашувда «muslimaat.uz» раҳбарига сўз берилди ва Одинахон Муҳаммад Содиқ аёл-қизларнинг таълими аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Сафар кетига сафарлар уланиб, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қизлари Одинахон 8-9 май кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида ўтказилган озчилик мусулмонлар халқаро қурултойида ҳам Қурултой ташкилий қўмитасининг расмий таклифига биноан Ўзбекистондан вакил сифатида қатнашди.

Анжуманга доктор Али Рошид Нуаймий раислик қилди ҳамда доктор Муҳаммад Башарий раис ноиби сифатида фаолият олиб борди. Доктор Муҳаммад Башарий фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг кадрдон дўстларидан биридир.

Дастлабки йиғилишда 140 давлатдан 400 дан зиёд вакил қатнашиб, ўз мамлакатида озчиликни ташкил қилувчи мусулмонлар дуч келётган муаммолар муҳокама этилди.

РАМАЗОН ҲИСОБОТИ

Маълумки, Рамазон ойи кўплаб фазилатлар, яхшиликларга лиммо-лим бўлган ойдир. Бу муборак ойнинг фурсатларини ғанимат билиб, унда кўпроқ яхшиликлар, савоблар билан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шу маънода “muslimaat.uz” сайти ҳам Рамазони шариф учун бир қанча лойиҳаларни тайёрлаб, сиз азизаларга тақдим этишга ҳаракат қилди. Хусусан:

– барака ва хайр ойи бўлмиш Рамазони шарифда 1439 ҳижрий йил учун Азҳари шариф томонидан тақдим этилган Рамазон қўлланмаси 29 кун давомида мухлислар эътиборига ҳавола қилиб борилди. Ушбу саҳифалар бу улуг ойда ҳар бир муслим ва муслима учун зарур ҳамда фойдали қўлланма бўлганидан умидвормиз. Унда намоз, саҳарлик ва ифторлик вақтлари қайд этилган бўлиб, шу билан бирга саҳифаларда ҳар куни алоҳида исломий шиорлар мавжуд бўлди. Шунингдек, қўлланмада Аллоҳ азза ва жалланинг муборак Китоби оятлари, ҳадиси шарифлар, ҳар бир мусулмоннинг кундалик ҳаётида пайдо бўладиган саволларга жавоблар, рўзадорга соим ҳолида Аллоҳ таолога муножот қилиши учун дуолар бериб борилди;

– “muslimaat.uz” сайтининг Рамазон учун тайёрлаган лойиҳаларидан яна бири Абул Ҳа-

сан Надавийнинг машҳур “Анбиёлар қиссаси” асарининг овозли шакли бўлди. Фарзандининг олтинга тенг вақтини мазмунли, фойдали ишлар билан бойитиш ота-онанинг вазифасидир. Абул Ҳасан Надавийнинг “Анбиёлар қиссаси” асарини эшиттириш орқали улар айнан мана шу вазифаларини бажарган бўлишса, ажаб эмас. Пайғамбарларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган бу қиссалар турли мультфильм, эртаклар билан банд бўлган болажонларимиз учун энг қизиқ ва энг фойдали илм ўчоғи бўлганидан умидвормиз. Зеро, улар Аллоҳ таолонинг то қиёматгача бирорта ҳарфи ҳам ўзгармайдиган каломи асосида битилгандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур асар русий забон фойдаланувчилар учун рус тилида ҳам тайёрланиб, “Islam.uz” канали орқали бериб борилди;

– Абдулғаний Мақдисийнинг “Рамазон фазли” асари ҳам “muslimaat.uz” сайтининг Рамазон тўхталаридан бири бўлиб, асар муаллифнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламгача етиб борадиган санадлари билан ривоят қилган 62 ҳадисдан иборат. Рисола Рамазон фазилатига бағишланган;

– шунингдек, сайтимиз фойдаланувчиларнинг талаб ва таклифлари асосида “Гўдак тили” номли ҳикоялар жажжи мухлислари эътиборига ҳавола қилинди;

– “muslimaat.uz” сайти фойдаланувчилари юқоридаги лойиҳалардан ташқари бир қанча мақолалар, “Омина” ижтимоий-маърифий электрон журналининг Рамазон ойи сони ҳамда видеолавҳаларни ҳам кузатиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

Файзу футуҳга тўла бўлган Муборак Рамазон ойида азиза опа-сингилларимиз билан танловлар ўтказиш “muslimaat.uz” сайти учун одат тусига айланган, десак, янглишмаймиз. Аммо бу йилги танлов бироз бошқача тусда ўтказилди. Одатда танловлар мақолалар, савол-жавоблар, тестлар кўринишида ўтказилган бўлса, бу йилги Рамазон ойи танлови қўл меҳнатига бағишланди. Унда опа-сингилларимиз билан бир қаторда жажжи мухлис ва мухлисаларимиз ҳам фаол иштирок этиб, ўз ижодий ишларини тақдим этдилар. Танловда жами 17 та иштирокчи қатнашди. Улар турли номинациялар асосида тақдирландилар. Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, танловда оилавий қатнашган иштирокчиларимиз ҳам мавжуд бўлиб, биз “muslimaat.uz” сайти ходималари уларга ва шу билан бирга барча иштирокчиларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

24 июнь куни “Ҳилол-нашр” нашриётининг анжуманлар залида Одинахон Мухаммад Юсуф раҳбарлиги остидаги “muslimaat.uz” сайтининг яна бир навбатдаги ажойиб тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир йиғилганларга ушбу аёллар сайтининг Рамазон ойи ва бошқа кунларда амалга оширган хайрли ишларининг ҳисоботи тарзида тақдим этилди.

“muslimaat.uz” доим сиз билан!” деб номланган кечага Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва бошқа ташкилотлардан азиз меҳмонлар таклиф қилиндилар.

Тадбирда Одинахон Мухаммад Юсуф сўзга чиқиб, аёлларимизнинг илм талабида янада илғор бўлишлари кераклиги ҳақида нутқ қилди.

“muslimaat.uz” қошидаги “Муслималар форуми”, “Фейсбук” ижтимоий тармоғидаги “Бинту Содик” саҳифаси ҳамда “muslimaat.uz” сайтининг ўзида ўтказилган турли танловлар ғолибалари Одинахон Мухаммад Юсуф томонидан муносиб тақдирландилар.

Тадбир сўнггида ҳурматли меҳмонлардан ўМИ аёл-қизлар бўлими мутахассиси Мунира опа Абубакирова сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ажойиб ислохотлар, жумладан, имконияти чекланган фуқаролар илм олиши учун яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида батафсил сўзлаб берди ва “muslimaat.uz” сайтига муваффақиятлар тилади, шунингдек, ҳамкорликда ишлаш учун Ўзбекистон мусулмонлар идораси доим тайёр эканини таъкидлади.

Кечага гўзал Қуръон тиловати ва Одинахон Мухаммад Юсуфнинг чиройли дуолари яқун ясади.

Азиз опа-сингиллар, бугун ҳамжиҳатлик билан фаолият юритаётган “muslimaat.uz” сайти қизларига бош-қош бўлаётган Одинахон устознинг тарбиялари, таълимлари ва маслаҳатлари беқиёс. Юртимиз аёлларининг илм олишларида, қолаверса, қандай яшашлари борасида йўл кўрсатишда яқин ёрдамчи бўлган “muslimaat.uz”, албатта, ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Бу борада буюк олим шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратларининг дуоларини олган, Исмоил Мухаммад Юсуф ва Одинахон Мухаммад Юсуф хайрихоҳлари остида улкан йўлга чиққан “muslimaat.uz” ҳали узоқ манзиллар сари олға юриш ниятида. Шундай экан, бу борада сиз азизаларнинг қўллаб-қувватлашларингиз ва дуоларингиздан умидвормиз!

Гўзал Дадамухамедова тайёрлади.



Қўй гўшtidан “ҳақиқий” КАБОБ

*Кесма кабоб учун керакли маҳсулотлар:

- 3 кг гўшт;
- 0,5 кг думба ёғи;
- 3-4 та пиёз;
- 1 пиёла газли сув (ёки яримта киви);
- 1 ўрам зиравор (“для шашлика”);
- 2-3 қошиқ соя;
- туз;
- зира;
- кўмир.

Пишириш давомида сепиладиган суви учун:

- 2-3 та саримсоқ бўлакчаси;
- 1x1 (бирга бир) миқдорда сирка ва сув;
- 1 та пиёз;
- 1 та қалампир.

Тайёрланиши:

Гўшт ва ёғни 2 см.лик қалинликда кесамиз (кесиш катталиги муҳим). Пиёз катта ҳалқа шаклида тўғраб солинади. Зиравор, соя, туз, зирани солиб, газли сув билан маринировка қиламиз. Газли сув билан маринировка қилинса, 4-5 соатда, киви билан маринировка қилинса, 1 соатда тайёр бўлади. Киви билан маринировка узоқ вақт қолиб кетиши мумкин эмас, сабаби гўштимиз ҳаддан ташқари юмшаб қолади. Сихга терганда пиёзни олиб ташлаймиз.

Пишираётганда ярим литр елим идишга саримсоқ, сиркали сув, пиёзни тўртга бўлиб, қалампирни солиб, сув сепиб-сепиб пиширамиз.

ҚИЙМА КАБОБ

Қийма кабоб
учун керакли маҳсулотлар:

- 3 кг қийма;
- 0,5 кг думба ёғи;
- 2-3 дона пиёз;
- 1 ўрам зиравор (“для шашлика”);
- талқон;
- туз.

Тайёрланиши:

Пиёзни майда қилиб тўғраб, сувини чиқариб оламиз. Сувсиз пиёз, қийма, туз, зираворлар, талқонни солиб, яхшилаб аралаштирамиз (яхшилаб аралаштириш жуда муҳим). Сихларга солиб, пиширамиз.